

## Коллеж битирувчилари кафедра лаборатория хоналарида экскурсия қилишди

Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олиш истагидаги Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи “Электроэнергетика” йўналиши 3-курс 10-Эл-15 гуруҳи талабалари, гуруҳ раҳбари ва ишлаб чиқариш таълим усталари иштирокида 2018 йил 11 апрел куни институт ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида ташриф буюришди. Экскурсия давомида Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи “Электроэнергетика” йўналиши битирувчилари “Электротехнологиялар ва электр жихозларидан фойдаланиш” ва “Технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраларига тегишли лаборатория қурилмалари билан танишдилар. Кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари билан институт ички тартиб қоидалари ва талабалар учун яратилган имкониятлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишдилар.



**“Электроэнергетика ва мехатроника” кафедраси ассистенти А.Ботиров ахбороти**